

**Лойиха-смета ишларини бажариш учун
9 - сонли ШАРТНОМА**

«18» 06 2022йил.

Андижон шахар

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи "Ягона Буюртмачи хизмати" ИК номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Б.Абдурахимов** ва бундан буён **Бажарувчи** деб аталувчи "MIMAX-ROAD" М.Ч.Ж. бошлиғи **С.Закирова** буюртмачининг танлов хужжатларига асосан қуидаги шартномани туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги "Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-249-сон қарорига мувофиқ Андижон вилояти худудидаги ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ лойиха ишларини бажариш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Пахтаобод туман "Наврӯз" МФЙ "Мангулик" кўчасига цементбетон қоплама ётқизиш ишларини бажариш учун лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиши топширади. Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.2. Танлов комиссиясининг 2022-йил 15-июн кунги №101304-сонли йиғилиш баённомасига асосан лойиха-смета ишларини бажариш билан боғлиқ ишларга шартнома тузилган.

1.3. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначиликдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартноманинг умумий қиймати КҶС билан **4 784 000 (тўрт миллион етти юз саксон тўрт минг)** сўмни ташкил қиласи. Шундан ЛСХ харажатлари қийматининг 30% миқдорида (аванс) бўнек тўлови бу КҶС билан **1 435 200 (бир миллион тўрт юз ўттиз беш минг икки юз)** сўмни ташкил қиласи.

2.2. Қолган **3 348 800 (уч миллион уч юз қирқ саккиз минг саккиз юз)** сўм тўлов 2022-йилда ушбу обьект учун бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўм амалга оширилади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда; ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6. Лойиха-смета хужжатлари топшириш муддати 5 (беш) иш куни мобайнида.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қиласи.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган қўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия хисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги хисоб-ракамларидан инкассо талабномаси кўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак

бўлган хисобот хужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртма қаршилидади.

4.2. Буюртмачи топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган хисобот хужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қиласликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қиласлик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган хисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган холда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган холда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга Лойиха бўйича хulosса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденсиал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденсиал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласдилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойихани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласди ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиха-смета хужжатларига давлат экспертиза хulosаси олиниб, ушбу давлат экспертиза хulosасига асосан шартнома баҳоси қўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равища жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Андижон вилояти иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин колган маблағларни ушбу шартнома бўйича хисобга олишга хақли.

7.9. Шартномага куйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг манзили ва хисоб рақамлари

Буюртмачи

Бажарувчи

"Ягона Буюртмачи хизмати" ИК

Манзил: Андижон шахар,

А.Навоий кўчаси №45-үй.

тел/факс:(0-374) 223-08-38

ИНН: 200238014 ОКОНХ : 69000

ШХР: 304521860034017045129118 ~~115~~

Марказий Банк Тошкент шахар бош бошқармаси Уз.Рес.Молия Вазирлиги

X/p: 23402000300100001010

МФО: 00014

"MIMAX-ROAD" МЧЖ

Андижон шахри Махжурий кўчаси 27-үй

Телефон: (+99890) 526 1980

X/p: 2020 8000 8009 9958 2001

Асака Банк Андижон вилоят бўлими

МФО: 00069 ИНН: 306 098 110

ОКОНХ: 66000 ОКЕД: 71 110

Б.Абдурахимов

С.Закирова

Хуқуқшунос:

